



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 22 ноябрь, шанба • №95 (11.588) • Эркин нарҳда сотилади

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 21 ноябрь кун Оқсаройда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) амалдаги раисининг Марказий Осиё бўйича шахсий вакили Мартти Ахтисаарини қабул қилди.

— Сиздек таниқли давлат, сиёсат ва жамоат арбоби билан учрашув, нафақат Ўзбекистон-ЕХХТ муносабатлари, балки унинг доирасидан чиқадиган кўплаб долзарб масалаларни муҳокама этиш учун қулай имкониятдир, — деди Ислоҳ Каримов.

М.Ахтисаари Финляндия президенти сифатида ҳамда БМТ тизимида юқори лавозимларида фаолият кўрсатган. 2003 йил мартдан ЕХХТ раисининг минтақамиз бўйича шахсий вакили вазифасини бажармоқда.

Таъкидламоқ жоизки, Ўзбекистон 1992 йилнинг январида мазкур ташкилотга аъзо бўлган дастлабки вақтлар ЕХХТ билан ҳамкорлик доираси бирмунча тор эди. 1995 йили Тошкентда очилган Марказий Осиё мамлакатлари билан алоқалар бўйича бюронинг фаолиятида эса ЕХХТнинг уч мезонидан фақат биттасига — инсон ҳуқуқлари масаласига эътибор қаратиб келинди. Ўзбекистон эса ўзаро ҳамкорликда ҳарбий-сиёсий, иқтисодий ва инсоний мезонларнинг барчаси қамраб олиниши керак, деган нукта назардан оғинмади, бир неча бор ташкилотнинг ўзи ва

аъзо давлатлар эътиборини ЕХХТ минтақаси ташқарисидан, хусусан, Афғонистондан чиқиши мумкин бўлган таҳдид ва хавф-хатарларга қаратди. 1999 йилги Истанбул саммитида эса Ислоҳ Каримов Халқаро аксилтеррор маркази тузиш ташаббусини илгари сурди.

ЕХХТнинг Марказий Осиёдаги жараёнларга ёндашувига 11 сентябрь воқеалари катта ўзгаришлар киритди. Халқаро ҳамжамият, жумладан, ЕХХТ олдида Ўзбекистоннинг оғоҳлантиришлари нечоғли жиддий ва асосли эканлиги аянчли тарзда аён бўлди. ЕХХТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 2001 йил Бухарест, 2002 йил Портода бўлган учрашувлари ва бошқа анжуманларда бу ҳақиқат эътироф этилди.

Ҳозирги вақтда ЕХХТ фаолиятида асосий диққат-эътибор чегаралар хавфсизлигини таъминлаш, ноқонуний қурол-яроғ ва одам савдоси, террорчиликни молиялаштириш каби муаммоларга қаратилмоқда. Ташкилот, шунингдек, ҳуқуқ-тартибот соҳасига оид қонуларни замон талабларига мослаштириш каби

масалаларда минтақа мамлакатлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

2003 йил ЕХХТнинг Тошкентдаги ваколатхонаси томонидан энгил ва ўқотар қуроллар бўйича ҳамда Афғонистон божхона хизмати ходимлари иштирокида Ҳайратон-Термиз назорат ўтиш пунктида чегара ва божхона хизмати вакиллари учун ўқув семинарлари ва бошқа қатор тадбирлар ўтказилди.

2002 йилда ЕХХТ иқтисодий мувофиқлаштирувчисининг идораси томонидан ташкилотнинг Марказий Осиёдаги иқтисодий ва экологик мезонларни мустаҳкамлашга оид дастури ишлаб чиқилди. Мазкур ҳужжат минтақадаги иқтисодий соҳага оид ЕХХТ фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб берди. Ушбу ҳужжат доирасида Ўзбекистонда кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, қишлоқ жойлардаги ёшларнинг бизнес бўйича билим ва малакасини ошириш, шунингдек, "Маҳалла ва атроф муҳит ҳимояси" лойиҳалари амалга оширилди.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон-ЕХХТ ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалалари ҳамда томонларни қизиқтирган долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2003 йил 20 ноябрь кун Истанбул шаҳрида (Туркия) содир этилган террорчилик ҳаракати муносабати билан БАЁНОТИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон ҳукумати номидан кўплаб одамларнинг қурбон бўлишига олиб келган Истанбулдаги янги террорчилик ҳаракатларини қаттиқ қоралайди.

Ўзбекистон халқи ҳам бутун маърифатпарвар инсоният қатори беғуноҳ одамларга қаратилган, ҳеч қандай ғоя ва мақсад билан оқлаб бўлмайдиган бу ваҳшиёна ва мудҳиш тажовуздан қаттиқ дарғазаб бўлди. Бу мислсиз жиноятлар барча мусулмонлар учун муқаддас саналган қутлуг Рамазон ойида содир этилгани янада даҳшатлидир.

Истанбулдаги фожиа бутун жаҳон ҳамжамиятининг халқаро террорчилик ва экстремизмга қарши курашдаги саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ва мустаҳкамлаш, бу иллатларнинг ҳар қандай кўринишига қарши мurosасиз курашиш зарурлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Ўзбекистон ҳукумати ва халқи террорчилик ҳаракати оқибатида ҳалок бўлганлар ва жабр чекканларнинг оила аъзолари ҳамда яқинларига чуқур ва самимий ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент шаҳри, 2003 йил 21 ноябрь.

Ўқуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар

МУНОСИБ БАҲО

Бугунги куннинг сиёсий жараёнларидан бири — маҳалла, қишлоқ, овул, шаҳарча оқсоқолларининг ҳисобот-сайловлари қизгин паллага кирди. Жумладан, ана шундай ҳисобот-сайлов йиғилиши кун кеча Зангиота туманидаги Ўзғариш қишлоғининг Бобур номли маҳалласида бўлиб ўтди.

Унинг муҳим бир жиҳати — ён-атрофдан йиғинга қатнашиш истагида келган кишилар кўплиги барчани қувонтирди. Вакиллар маҳалла фуқаролар йиғинида амалга оширилган ишлар тўғрисида оқсоқол Мирпўлат Алибековнинг ҳисоботини тинглашди.

— Ҳар бир иш бамаслаҳат, баҳамжихат амалга оширилди, — таъкидлади маърузачи. — Тадбиркорликни, кичик бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Худудимизда ўндан ортиқ корхона бор. Жумладан, аҳоли кундалик эҳтиёжи учун 2 та озиқ-овқат дўкони, 2 та новвойхона, 2 та қурилиш моллари дўкони, автомашиналарни ёқилғи билан таъминлаш мақсадида 2 та бензин

(Давоми 2-бетда).



ЗУЛФИЯНИНГ ВИЛОЯТДАГИ ҚИЗЛАРИ

Республикамизда иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга янги-янги имкониятлар яратиш йўлида кўп иш қилинмоқда. Бу борада Зулфия номидаги Давлат мукофотининг ўрни алоҳида. Мана тўрт йилдирки, республикамиздаги энг иқтидорли қизларимиз беш йўналиш — адабиёт, санъат, фан, таълим ва маданият соҳаларидаги илмий изланишлари, самарали ижодлари учун бу юксак мукофот соҳиби бўлиб келмоқдалар. Шу йиллар ичида Тошкент вилоятининг тўрт вакиласи ҳам ана шундай юксак унвонга сазовор бўлди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўза хайити" муносабати билан 1991 йил 11 апрелдаги 193-сон Фармони ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 2003 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи кун 25 ноябрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси мурожаатини эътиборга олиб, 2003 йил 25 ноябрь дам олиш кун 25 ноябрь дам олиш кун деб белгилансин ва мамлакатимизда

байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайити байрами жойларда муносиб тарзда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсинлар.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2003 йил 18 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БОЛГАРИЯ РЕСПУБЛИКАСИГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Болгария Республикаси Президенти Георги Парванов тақлифига биноан 2003 йил 24-26 ноябрь кунлари давлат ташрифи билан Болгарияда бўлади.

Ташриф чоғида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари ҳамда томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар муҳокама этилиши, қатор муҳим ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

Ташриф арафасида

МУСТАҲКАМ ДЎСТЛИК ВА САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК САРИ

Ўзбекистон аҳлига Болгарияни алоҳида таништиришнинг унчалик ҳожати йўқ. Халқларимиз чегарадош худудларда яшамаган бўлса-да, ўзаро савдо-сотиқ қилгани, илмий-маданий алоқаларни ривожлантириб келгани тарихдан яхши маълум. Демак, муносабатларнинг шонли тарихи бугун бизга ҳамкорликни ривожлантириш учун ҳар қачонгидан кўпроқ имконият яратмоқда.

(Давоми 2-бетда).

МУСТАҲКАМ ДЎСТЛИК ВА САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК САРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг шу йил 24-26 ноябрь кунлари Болгария Республикасига давлат ташрифи чоғида қандай масалалар кун тартибига чиқади? Умуман, икки ўртада қандай масалалар йиғилиб қолгану томонлар бир-бирига қандай таклифларни билдириши мумкин? Болгариянинг Ўзбекистондаги муваққат ишлар вакили Стоян ГОРЧИВИН билан ана шу масалалар хусусида суҳбатлашдик.

— Мазкур ташриф давлат даражасида ўтишининг ўзиёқ мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг алоҳида аҳамияти ва Ўзбекистон Президентига Болгариядаги юксак эҳтиромнинг белгисидир, — деди С.Горчивин. — Халқларимиз бир-бирини самимий ҳурмат қилади.

Болгария 1992 йил 6 январь кунини Ўзбекистон мустақиллигини эътироф этган. Уша йилнинг сентябрида дипломатия муносабатлари ўрнатилди. 1999

(Давоми. Боши 1-бетда).

йилдан эса Тошкентда Болгария элчихонаси фаолият юритмоқда.

Президент Ислон Каримовнинг 1998 йил июнь ойида Болгарияга илк расмий ташрифи асносида муносабатларимиз барқарор ривожланиши учун тамал тоши қўйилди. Дўстона муносабатлар ва ҳамкорлик тўғрисида давлатлараро шартнома имзоланди. 1999 йилнинг майида эса мамлакатингизга Болгариянинг ўша вақтдаги Президенти Петар Стоянов келди. Бу олий даражадаги ташрифлар мамлакатларимиз ҳамкорлигининг ҳуқуқий базасини кенгайтириб, муносабатлар ривожини учун янги имкониятлар эшигини очди.

Лекин сиёсий мулоқотлар юксак даражада бўлгани ҳолда, афсус билан таъкидламоқчиманки, иқтисодий алоқаларимиз нафақат салохият ва имкониятларимиз, балки мамлакатларимизнинг муайян эҳтиёжларидан ҳам ортада.

Иқтисодий соҳада ҳали қилинадиган иш кўп. Масалан, мам-

лакатларимиз ўртасида икки томонлама солиққа тортишдан воз кечишга оид битим қабул қилинмагани ишбилармонларимизни қийин аҳволга солиб қўйиши тайин. Кредитларнинг сугурта қилиниши ҳамда Болгария ва Ўзбекистон банклари ўртасида бевосита алоқалар зарур даражада яхши йўлга қўйилмагани ҳам муайян қийинчилик туғдиради.

Президент Ислон Каримовнинг ташрифи давомида бундай масалалар ечим топиши шубҳасиз. Томонлар транспорт коммуникациялари, сайёҳлик каби истиқболли соҳалар бўйича ҳам атрафлича фикрлашиши кутилмоқда. Умуман, ушбу ташриф муносабати билан ўндан зиёд икки томонлама ҳужжат имзоланиши мўлжалланмоқда. Президент Ислон Каримовнинг Болгарияга давлат ташрифи ўзаро ҳамкорликни янги поғонага кўтаришига ишонамиз.

ЎЗА мухбири

Анвар БОБОЕВ ёзиб олди.

INFO-BIZNES 2003

“Ўзэкспомарказ”да Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси томонидан “Заковат” тадбиркорларни ахборот билан қўллаб-қувватлаш ижтимоий жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган “INFO-BIZNES 2003” биринчи иқтисослаштирилган кўргазма ўтказилди.

Кўргазма давомида иштирокчилар ва меҳмонлар учун 2004 йил солиқ сиёсати, ташқи иқтисодий фаолиятнинг эркинлаштирилиши, бизнес-режалар тузиш, кредит олиш, янги режа-ҳисобларга ўтиш, текширилатган хўжалик субъектининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш билан боғлиқ муаммоларга бағишланган бепул ахборот-маслаҳат семинарлари ўтказилди.

ЎЗА.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

МАСЛАҲАТХОНА НАЗОРАТИДА

Оққўрғон тумани ижтимоий таъминот бўлими 9 минг 882 нафар пенсионер ва бошқа ижтимоий мадад олувчи кишиларга ҳар ойига ўртача 162 миллион сўмлик пенсия ва нафақа тарқатади.

— Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, хусусан, уруш ва меҳнат фахрийлари, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш доимий диққат марказимизда турибди, — дейди туман ижтимоий таъминот бўлими мудир Б.Исроилов. — “Обод маҳалла йили” дастурига мувофиқ туманимизда истиқомат қилувчи барча кексалар ва ногиронлар диспансер кўригидан ўтказилиб, кўпчилиги амбулатория шароитида, айримлари эса кундузги стационарда даволанди. Саккиз юзга яқин уруш ва меҳнат фахрийси мамлакатимиздаги энг яхши санаторий-профилакторийларда саломатлигини тиклади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига мувофиқ шу йил 1 апрелидан бошлаб аҳолининг муайян тоифаларига коммунал хизматлар (табiiй газ, электр энергияси, ичимлик суви) учун компенсация тўловлари жорий этилди. Айни чоғда икки мингдан ортиқ пенсионер ана шундай ижтимоий ҳимоядан фойдаланмоқда. Бунинг учун давлат бюджетидан ҳар ойда уч ярим миллион сўм ажратилмоқда.

Ижтимоий ҳимоя борасида корхона ва хўжаликлар, тадбиркорлар хайрли ишларни амалга оширмоқда. Айниқса, “Қаҳрамон” ширкат хўжалиги, “Жавлон” фермер хўжалиги томонидан ўз худудларида истиқомат қилаётган ёлғиз қариялар, ногиронлар, кўп болали оилаларга меҳр-муруват ёрдами кўрсатилмоқда.

Айни пайтда корхона ва хўжаликлар қошида олтита маслаҳатхона ишлаб турибди. Уларга бириктирилган мутахассислар аҳоли билан зарур мулоқотлар ўтказиб, фуқароларнинг арзини тинглайди, пенсия ёки нафақа, шунингдек, бошқа ижтимоий таъминот бўйича муаммоларини ҳал этишга кўмаклашади.

Неъмат ДУШАЕВ,
ЎЗА мухбири.

ЗУЛФИЯНИНГ ВИЛОЯТДАГИ ҚИЗЛАРИ

Албатта, улуг шоирамиз номи билан аталувчи давлат мукофотининг соҳиби бўлиш катта шараф. Шундай экан аввало, унинг совриндори бу ишончга муносиб бўлмоғи зарур. Ана шунинг учун ҳам вилоят хотин-қизлар кўмитаси бу йил ушбу танловнинг туман ва вилоят босқичларини ҳар томонлама юксак савияда ўтказишга алоҳида эътибор берди. Шаҳар ва туманларда ўтказилган босқичларда сараланган беш йўналишдаги 55 та иш вилоят босқичига тавсия этилди. Вилоятда мазкур танловни ўтказишга масъул бўлган ҳайъат аъзолари қизларимизнинг бу ишларини икки босқичда кўриб чиқдилар. 2003 йилнинг 19 ноябрь кунини эса, энг муносиб деб топилган беш йўналишдаги 20 на-

(Давоми. Боши 1-бетда).



фар иқтидорли қизларимиз танловнинг финал босқичида иштирок этдилар.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Адиба Аҳмаджоновна танловни очар экан, шундай деди:

— Келажак авлодни тарбиялаб, вояга етказиш олдимида турган энг асосий йўналишлардан биридир. Зулфия номидаги давлат мукофотига номзодларни танлаш учун биз бугун ўтказётган танлов ҳам мамлакатимизда бу йўналишда олиб борилаётган ишларнинг ёрқин кўринишидир. Танловда вилоятимизнинг энг муносиб қизлари иштирок этаётганлигидан мамнунмиз. Бутун беш йўналиш бўйича уларнинг орасидан энг иқтидорлилари республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Ўйлайманки, йилдан-йилга тобора фаоллик билан ўтаётган танлов вилоятимизнинг энг чекка қишлоқларидаги иқтидорли ёшларимизни кашф этишга, жамиятимизнинг фаол аъзосига айлантиришга хизмат қилаверди.

Дарҳақиқат, танлов жараёнидаги 55 та иш бошқача айтаганда, 55 нафар қизларнинг ижоди, фаолияти, илми, изланиши билан танишар экансиз, унинг қанчалик кенг кўлам топиб бораётганининг гувоҳи бўласиз. Шу ўринда яна бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Ушбу танловда 80 дан ортиқ миллат ва элат яшаётган Тошкент вилоятининг турли миллатта мансуб қизлари ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Хусусан, ангреник мактаб ўқувчиси

МУНОСИБ БАҲО

(Давоми. Боши 1-бетда).

қуйиш шохобчаси ҳамда битта газ қуйиш шохобчаси мавжуд. Шунингдек, автомобиль таъмирлаш устахонаси ҳам ишлаб турипти...

Аввалги ҳисобот-сайловда бир неча муҳим масалалар белгиланганди. Жумладан, трансформатор хонадонларни электр энергияси билан бир маромда таъминлай олмасди. У қайта таъмирдан чиқарилди. Шодлик кўчасида эса, алоҳида трансформатор ўрнатилди. Эндиги вазифа айрим кўчалардаги электр симларини янгилашдан иборат. Газ таъминоти бўйича ҳам муаммо тўла ҳал этилди. 8 та кўчамиз Солижон Жўраев номли кўча бўйлаб ўтган юқори босимли газ қувурига уланиб, аҳоли учун қулайлик яратилди. Барча хонадонлар сув ва газ билан юз фоиз таъминланган. Хонадонларга 375 та газ ўлчагич ўрнатилди. Қолган хонадонларга ҳам шу йил охиригача ўлчагичлар ўрнатилади.

Хонадонларни канализация тармоғига улаш, тозалikka ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Худудни кесиб ўтадиган катта анҳор тозаланиб, ҳашар йўли билан қайта қазилди.

Шу кунгача икки ёшгача фарзандлари бўлган оналарга 5 миллион 9 минг 400 сўм, 18 ёшгача бўлган болаларга 4 миллион 619 минг 734 сўм, ногиронларга, кам таъминланганларга эса, 1 миллион 503 минг сўмдан ортиқ нафақа пули тарқатилди. Ночор оилаларни қўллаб-қувватлашда ҳомийлар ёрдами катта бўлаяпти.

Обод маҳалла йили муносабати билан кўчаларга 2 минг тупдан ортиқ атиргул ва кўплаб бошқа гуллар экилди. Хусанжон Жўраев номли ҳамда Ёшлик кўчалари ўзгача чиroy очди. Маҳалла ахли гулчилик касбининг устаси. Улар ўз хонадонларида турли-туман гул навларини етиштиришади.

Бугунги муҳим вазифалардан бири — вояга етмаганларни тарбиялашдир. Бу борада маҳалла фаоллари қизгин иш олиб боришапти. Бадий кечалар, учрашувлар, суҳбатлар яхши натижа берапти. Бобур номли маҳаллада ҳеч бир бола жиноят кўчасига киргани ёки турли диний оқимлар этагидан тутгани йўқ. Бунда комиссиянинг ҳиссаси катта бўлаётир...

Шу билан бирга ҳали қилинадиган ишлар кўлами кенг. Маҳалла марказида янги гузар қурилиши режалаштирилаяпти. Ҳозир ҳужжатлар тахт қилиб қўйилди. Телефон алоқаси тармоғини янада кенгайтириб, абонентлар сонини кўпайтириш масаласи кун тартибиде турипти. Сирғали туманидаги 51-АТС дан 150 та янги абонент рақами ажратиш масаласи ҳал қилинмоқда. Яқин кунларда амалий ишлар бошлаб юборилади. Кўп болали, янги оилаларга иморат қуриш учун 100 та ер участкаси ажратилди.

Вакиллар тўлақонли ҳисоботни қўллаб-қувватлаб, уни қизгин муҳокама қилишди. Маҳаллада маънавий тарбияни, айниқса, ёшларни Ватанга муҳаббат, унга садоқат руҳида тарбиялашни кучайтириш лозимлигини алоҳида таъкидлашди. Мирпўлат Алибеков янги ваколат муддатига очиқ овоз бериш йўли билан оқсоқолликка қайтадан сайланди.

— Янги таркибда сайланган маслаҳатчилардан умидим катта, — деди йиғилишдан кейинги суҳбат чоғида оқсоқол. — Баҳамжиҳатлик билан иш бошлаш, маҳалламиз янада обод бўлади.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари — ташкилий ишлар ва кадрлар масалалари бўйича гуруҳ раҳбари Юнусон Шарипов, Зангиота туман ҳокими Акмал Исабоев иштирок этди.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.



йўналишида вилоят педагогика институтининг 2-курс талабаси Гулнур Исаева, таълим йўналишида Олмалик шаҳар техника коллежи талабаси Соҳиба Чанчарова ҳамда маданият йўналишида Бўстонлик туманидаги 11-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Нодирахон Раҳимбердиева голиб деб топилдилар ва республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Шундай қилиб, Зулфия номидаги давлат мукофоти номзодлигига ўтказилган вилоят танловининг яна бир босқичи ниҳоясига етди. Аслида эса танлов йил бўйи давом этади. Қизларимиз ўзларининг ижодлари, изланишлари билан унга муносиб бўлиш учун ҳаракат қиладилар. Зеро, ушбу танловнинг асл моҳияти, мақсади ҳам шу.

Ўз мухбиримиз.

СУРАТЛАРДА: вилоят босқичи танловидан лавҳалар.

Александр КОВАЛЬ
олган суратлар.

ҲАР БИР ФАРЗАНДАГА — МЕҲР, ЭЪТИБОР!

Вилоятимизда Бола ҳуқуқлари тўғрисида халқаро конвенция қабул қилинганлигига 14 йил тўлиши муносабати билан ўтказилаётган тадбирлар шундай номланди



Жамият ўз фарзандларининг баркамоллиги, уларнинг Ватанга бўлган садоқати туфайли келажакка қадам ташлайди, равнақ топади. Шу боис, ёш авлодга доимо ғамхўрлик кўрсатиш, меҳр-муҳаббат билан қуршаб олмақ муҳим вазифа ҳисобланади. Кейинги йилларда юртимизда кам таъминланган

оилалар, етим, тиббий кўмакка муҳтож болаларга ғамхўрлик қилишдек хайрли юмушларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айни кунларда Бола ҳуқуқлари тўғрисида халқаро конвенция қабул қилинганга 14 йил тўлиши муносабати билан мамлакатимизда вазирликлар, турли жамғармалар, ташкилотлар ва ҳокимликлар томонидан «Ҳар бир фарзандга — меҳр, эътибор!» шиори остида ҳафталик тадбир ўтказилмоқда. Жумладан, вилоятимизда ҳам боқувчисини йўқотган ҳамда ногирон болаларни эътибордан четда қолдирмай, доимо уларга мурувват кўрсатиб келинмоқда.

Ҳафталик Янгийўл шаҳридаги «Кичкинтой» гўдақлар, Бўка туманидаги 15-Меҳрибонлик уйларида тадбирлар ўтказиш билан бошланди. Чирчиқ шаҳридаги 14-меҳрибонлик уйи, Бўстонлик

туманидаги 6-махсус интернат ва Қибрайдаги руҳий анамал болалар уйида ҳам боқувчисини йўқотган, хаста болаларга турли совғалар, кийим-кечаклар, дори-дармон воситалари, озиқ-овқатлар топширилиб, концерт дастурлари намойиш этилди.

— Бундай болажонлар доимо эътиборимизда, — деди вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитасининг раиси Адиба Аҳмаджонова. — Бу эътибор, меҳр-мурувват, ота-она меҳрини боса олмасида, уларни ўзларини юрт, яхши одамлар қуршовида эканликлари, ҳукуратимиз ҳамиша улар тўғрисида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келаётганини ҳис этишларига хизмат қилади деб ўйлайман.

Ушбу ҳафталик 20 ноябрь куни Тошкент вилояти ҳокимлиги қошидаги «Ҳамдўстлик» аёллар клубида ўтказилган хайрия кечаси билан якунланди. Унда Исроил, Россия, Молдавия, Украина ва бошқа ҳамкор давлатлар элчихоналари ҳамда ЮНИСЕФ болалар ташкилотининг вакиллари ҳам таширф буюришди.

Шу куни вилоятдаги ўн та махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, Чиноз тумани ва Ангрен шаҳридаги махсус болалар шифохоналарининг даволанувчиларига ҳомийлар Тошкент вилояти ҳокимлиги аг-



росаноат мажмуи, Соғлиқни сақлаш бошқармаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят бўлимлари томонидан совғалар топширилди.

Хайрия кечасида Успенский номли махсус мусиқа мактаби ўқувчилари қизиқарли концерт

дастури намойиш этилди.

Камолитдин АСҚАРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.

СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

Кейинги йилларда спортга юксак эътибор қаратилаётгани ўз самарасини бермоқда. Мустақиллик йилларида спортчиларимиз эришган ютуқлар салмоғи қувонарлидир. Бунда, албатта, ҳукуратимиз томонидан соғлом ва қимматли авлодни тарбиялаш, умуман, аҳоли ўртасида оммавий спортни ривожлантириш мақсадида қабул қилинган қарорларнинг аҳамияти беқиёсдир. Зеро, Ўзбекистон спортчилари халқаро майдонларда юртимиз байроғини мағрур ҳилпиратиб, жаҳон нигоҳини мамлакатимизга қаратмоқда.

Сўзсиз бу борада Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиши юртимиз ҳаётида туб бурилиш ясаган тарихий воқеалардан бири бўлди.

Мана ушбу жамғарманинг мамлакатимизда фаолият кўрсатаётганига ҳам бир йилдан ошди. Шуни айтиш керакки, ўтган давр мобайнида биргина Тошкент вилояти ҳокимлиги, ушбу жамғарманинг вилоят бўлими томонидан болалар спортини ривожлантириш борасида жуда катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди.

Бизнинг жамғарма вилоят бўлими директори Раҳматхон Тиллаев билан суҳбатимиз ҳам ана шу мавзуда бўлди.

Суҳбатдош ҳақида: Раҳматхон Тиллаев — бокс бўйича АIBA тоифасидаги халқаро ҳакам, спорт устаси ва «Сидней-2000» олимпиадаси ҳакамлар ҳайъати аъзоси. Ўзбекистон халқ таълими аълочиси.

— Республика Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги «Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 октябрдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида жамғарманинг вилоят бўлими иш режаси Ҳомийлик кенгаши томонидан тасдиқланган, — деди Р. Тиллаев. — Ўтган бир

йил давомида вилоятдаги барча спорт иншоотлари қайта рўйхатдан ўтказилди. Бугунча бу спорт майдончалари ҳомийлар ҳисобидан ҳашар

жоиз, бугунча ҳомийлар ҳисобидан Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг вилоят филиали ҳисоб рақамига 333 миллион 888 минг сўм маблағ туширилди.

— **Жамғарманинг вилоят бўлими ташкил этилганидан буён эришилган, эътиборга лойиқ ютуқлар сифатида қандай ишларни санаган бўлардингиз?**

— Мен бу борада амалга оширилган тадбирларнинг бир жиҳатини алоҳида таъкидлашни истардим. Биласизми, ўтган вақт ичида вилоятнинг чекка

иншоотлар тендер савдоларидан ўтказилди. Айни пайтда уларнинг лойиҳа ҳужжатлари тайёрланиб, пойдевор қўйиш ва ер текислаш ишлари бошлаб юборилди. Эътиборлиси, мамлакатимиз қурилиш-меъморчилик соҳасида янгиликлардан бири бўлган тендерларда қатнашган корхона-ташкilotларда ўзига бўлган ишонч ортиб, соғлом рақобат вужудга келмоқда.

— **Жамғарма фаолиятини янада кучайтириш мақсадида қандай ишларни амалга ошириш режалаштирилмоқда?**

рига кенгроқ жалб этаяпмиз. Туманларда янги спорт мактаблари, диспансерлар вужудга келтириб, уларни мураббий ва мутахассислар билан таъминлаш орқали оммавий спорт билан шуғулланувчилар сонини кўпайтириш устида ҳам иш олиб бораёпмиз.

Вилоятимизда кам эътибор бериб келинган спорт турлари — синхрон сузиш, чим хоккейи, велоспорт, қизлар футболу, ритмик гимнастика, оғир атлетикани жадал ривожлантиришга ҳисса қўшишни мақсад қилиб қўйганмиз.

— **Вилоятда болалар спортини ривожлантириш борасида муаммолар ҳам борми?**

— Очигини айтиш керак. Спорт анжомлари ва мутахассислар етишмаслиги ишимизга бироз ҳалал берапти. Таъкидлаш жоиз, бу муаммони ҳал этишга вилоятимизда эътибор кучайди. Шубҳасиз, бунда вилоят ҳокимлигининг кўрсатаётган амалий ёрдами салмоқли бўлмоқда. Жамғарманинг вилоят бўлими Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, вилоят халқ таълими бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, вилоятимиздаги фермер хўжаликлари ва юртпарвар ишбилармонлар билан келажак авлоднинг жисмоний, маънавий ва руҳий камолоти йўлида яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Ишонаманки, ёшларимиз бугун ҳукурат даражасида кўрсатилаётган юксак, ҳавас қилишга арзигулик эътибор боис, эртага бунданда оқори натижаларга эришиб, юртимизнинг жаҳон миқёсидаги нуфузини янада оширадилар.

«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири
Воҳид БОЙМУРОДОВ
суҳбатлашди.

«ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАР ЮРТИГА АЙЛАНАДИ»

дейди Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими директори Раҳматхон Тиллаев

йўли билан жорий ва 76 та спорт зали тубдан таъмирланди.

Бундан ташқари, жойларда ҳомийлар, корхона ва ширкат хўжаликлари ҳисобидан 35 та спорт мажмуаси қайта қурилди, 12 та спорт иншооти бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди. Ўтган муддат ичида вилоятда спорт мажмуаларини янгидан қуриш, тубдан ва жорий таъмирлашга 1 миллиард 700 миллион сўмдан ортқ маблағ сарфланди ҳамда ушбу спорт мажмуалари ҳомийлар ҳисобидан 400 миллион сўмлик замонавий спорт анжомлари билан таъминланди. Таъкидлаш

қишлоқ мактаблари, меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига жиддий эътибор бердик. Улар 100 миллион сўмлик спорт анжомлари билан таъминланди. Яна бир янгилик. 2003 йил дастурига киритилган Оққўрғон туманидаги «Оққўрғон» ширкат хўжалиги, Ангрендаги «Облик» қишлоғи, Бўка туманидаги «Маданият» маҳалласи, Оҳангарон туманидаги «Қорахтой» қишлоғи ва Қуйичирчиқ туманидаги Дўстобод қўрғони марказида бунёд этилиши мўлжалланган болалар спорт мажмуалари қурилиши бўйича барча

— Юқорида келтирилган спорт мажмуаларидан 4 тасини жорий йилда ишга тушириш мўлжалланган. «Қорахтой» қишлоғидаги мажмуа эса қурилиши йирик объект бўлганлиги туфайли 2004 йилда фойдаланишга топширилади. Спорт анжомларини ажратаётганда, имкони борича меҳрибонлик уйлари, ақли заиф болалар тарбияланаётган муассасалар ва вилоятнинг чекка қишлоқларига етказиб беришга ҳаракат қилаёпмиз. Қибрай тумани, Ангрен, Чирчиқ, Олмалик шаҳрларида қизларимизни спортнинг бадиий гимнастика, сузиш турла-

Dushanba

24

«Ўзбекистон» телеканал

Телетомошабинлар диққатига!
«Ўзбекистон» телеканал
24 ноябрь кунин ўз кўрсатувларини соат 15.00 дан бошлайд.

15.00 «Тахлилнома».
15.45 ТВ-клип.
15.55 «Қиш сонатаси». Сериал.
17.05 Рамазон тухфаси. «Истиклол неъмат».
17.30 Бир жуфт қўшиқ.
17.40 «Алломиш изидан». Видеофильм.
18.00 Янгилликлар.
18.10 Юнон-рум

кураши бўйича «Тошкент кубоги» халқаро турнири.
18.40 «Таянч нуқтаси».
18.55 «Шеър ва шуур».
19.05 «Мулқдор».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 2003 йил - Обод маҳалла йили. «Кўпчилик қаторида».
21.25 Тасанно.
21.35 «Ошин». Сериал.
22.05 «Келин-куёв». Телешоу.

23.05 «Ахборот-дайд-жест».
23.25-23.30 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

16.00 Кўрсатувлар дастури.
16.05 «Янги авлод» почтаси.
16.20 Олов билан юзма-юз.
16.40 Очун.
17.05 Жаҳон жугрофияси.
17.55 ТВ - анонс.
18.00 Ёшлар овози.
18.20 «Меҳр кўзда». Мақтубларга шарҳ.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ - анонс.
19.40 Одил сўз.

20.00 Муסיкий лаҳзалар.
20.10 Сув - ҳаёт манбаи.
20.15 Илдиз ва япроқ.
20.35 ТВ - адвокат.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Интерфутбол.
0.25-0.30 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВ да сериал: «Ит уяси».

17.45 Болажонлар экрани.
17.55 «Хориж хабарлари» (рус)
18.00, 20.50 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Халқ саломатлиги йўлида».
18.30, 20.00, 20.35, 22.00 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Табриқлаймиз-қутлаймиз».
19.15 «Хориж хабарлари».
19.20 ТТВда сериал: «2000 йилдан сўнг».
20.20 «Ҳамшаҳарлар».
21.00 «Ўзбекистон Конституцияси-истикболимиз қомуси».
21.20 ТТВда сериал: «Лўлининг бахти».
22.20 Кинонигоҳ. «Оқ фотиха».
23.50-23.55 Хайрли тун,

шаҳрим!
«Халқаро» телеканал
БИРИНЧИ КАНАЛ. 7.00 - 8.30.
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.20 «Эрмитаж кўзгулари». Хужжатли фильм.
16.30 «Парле ву франсе?»
16.55 «Вернисаж». Концерт.
18.25 «Спорт масканларида».
18.45 «Евроњьюс» янгилликлари.
19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
20.00 «Мени кутгил».
21.00 «Время».
21.30 «Бизнес-ревью».
21.35 «Соломея».

Сериал.
22.25 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
22.45 «Ахборот».
23.20 Кинематограф. «Катта талант».
Бадийй фильм.
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

16.55 Дастурнинг очилгани.

17.00 «Маърифий дастур».
17.30, 20.45 «Телехамкор».
18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Ой тоши». 1-серия.
19.30 «Ошиқона». Муסיкий дастур.
19.45 «Турецкий марши». Сериал.
21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Жаҳаннам элчиси».
23.15 «30-канал»да спорт.

Seshanba

25

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 8.35 «Ахборот».
8.35 Газеталар шарҳи.
8.55 «Камалак».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилликлар
10.05 «Хидоят сари».
10.25 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Қор қўйнида лола». Бадийй фильм.
11.15 «Мулқдор».
11.35 «Оқ қарқара». Мультфильм.
11.55, 13.55 ТВ-анонс.
12.05 «Кўпчилик қаторида».
12.25 Болалар спорти: «Бир умр ҳамроҳим».
12.50 «Барҳаёт сиймолар».
13.10 «Ошин». Сериал.
13.40 «Аския».
14.10 «Муносабат».
14.40 ТВ-клип.

14.50 «Бизнес ҳафта».
15.05 «Яхшилик».
15.40 1. «Ёш юлдузлар».
2. «Олтин тож».
Телевизион ўйин.
16.40 «Алломиш изидан». Видеофильм.
17.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 Кураш бўйича талабалар республика турнири.
18.35 ТВ-клип.
18.45 «Тафсилот».
19.00 «ТВ Бинго миллионер». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN
20.30 «Ахборот».
21.05 «Айёмингиз муборак!».
22.05 «Ошин». Сериал.
23.05 «Ахборот-дайд-жест».

23.25-23.30 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ - анонс.
9.20 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус, Бахтли болалик.
10.00 Болалар экрани: «Фаррух ва Зумрад», «Жасур чўпон бола».
10.30 «Галатепалик авлиё». Телевизион бадийй фильм.
10.55 ТВ - анонс.
11.00 «Давр» ҳафта ичида.
11.35 ТВ - адвокат.
11.40 «Гвадалупе». Телесериал.
12.20 Ёшлар овози.
12.40 «Ўзбектелефильм» студияси намойиш этади: «Куёшли ўлка».
12.50 Олтин мерос.

13.00 Давр.
13.10 «Ўзбектелефильм» студияси намойиш этади: «Умрбоқий қўшиқлар».
13.45 Интерфутбол.
15.35 «Маҳаллада дув-дув гап». Бадийй фильм.
16.55 ТВ - анонс.
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.
17.25 Таянч.
17.45 Қўли гул уста.
18.05 Ёшлар овози.
18.25 Автопатрул.
18.45 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» - интервью.
19.50 Фазал соғинчи.
20.10 Марди майдон.
20.30 Олтин мерос.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Буюк ипак йўлларида.
21.50 Олтин мерос.

22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 Ҳандалак плюс.
22.50 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: 1.Нокаут, 2.Теннис.
23.50 - 23.55 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 Ўзбектелефильм студияси намойиш этади: «Юнус Ражабий».
17.45 Мультфильм.
17.55 «Хориж хабарлари» (рус)
18.00, 20.50 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 Болажонлар экрани.
18.30, 20.00, 21.35, 22.05 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Табриқлаймиз-қутлаймиз».
19.15 «Хориж хабарлари».
19.20 ТТВда сериал: «2000 йилдан сўнг».
20.20 «Туризм ҳақида».

21.00 «Биринчи бўса». Қисқа метражли бадийй фильм.
21.50 «Auto-news».
22.25 Кинонигоҳ. «Тоглик куёв».
23.55-24.00 Хайрли тун, шаҳрим!

«Халқаро» телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ. 7.00 - 8.30.
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.20 «Жонли табиат».
16.30 «Сув ости дунёси». Хужжатли фильм.
16.40 «Олам бўйлаб».
17.25 Болалар учун фильм «Қулоқли Финт».
18.45 «Евроњьюс» янгилликлари.
19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
20.00 «Нина». Сериал.
21.00 «Время».
21.30 «Бизнес-ревью».
21.35 «Соломея». Сериал.
22.25 «Хинд оҳангла-

ри».
22.50 «Ахборот».
23.25 Кинематограф. «Водиллик келин». Бадийй фильм.
00.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилгани.
9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор».
9.30, 14.10 Болалар соати.
10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар». Сериал.
10.40 «Маърифий дастур».
11.10 «Сан-Тропе». Сериал.
12.00 «Жаҳаннам элчиси». Фильм.
13.30 «У қотилликни баён этди». Телесериал.
15.00 Телешоу.
16.00 «Кикбоксинг империяси».
16.40 Хужжатли сериал.
18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Ой тоши». 2-серия.
19.30 «Ошиқона». Муסיкий дастур.
19.45 «Турецкий марши». Сериал.
21.05 «Клип-совга». Телетабрикнома.
21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Ўлим қуроли».
23.15 «30»да спорт.

Chorshanba

26

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.3 5 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Соз сеҳри».
9.20 «Рангин дунё».
9.40 «Соғлом она - соғлом бола».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилликлар
10.05 «Чимилдик». Бадийй фильм
11.20 Муסיкий танаффус.
11.30 «Саргузаштлар ороли». Телешоу.
12.05 «Айёмингиз муборак!».
13.05 «Ошин». Сериал.
14.10 «Тафсилот».
14.30 «Ишқ риштаси». Бадийй фильм.
16.00 Кураш бўйича талабалар республика

турнири.
16.30 «Ягона оилада».
17.00 «Алломиш изидан». Видеофильм.
17.20 1. «Кўшигим - жон қўшигим». 2. «Кизиқарли учрашувлар».
18.10 «Фуқаролик жамияти сари».
18.25 ТВ-клип.
18.30 «Олтин бешик».
18.50 «Фан равнақи - Ватан равнақи».
19.10 «Ҳаётимиз қомуси».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Фарз ва қарз».
21.20 «Ошин». Сериал.
21.50 «Қизлар давраси».
23.10 «Ахборот-дайд-жест».
23.30-23.35 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ - анонс.
9.20 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.
9.40 Кинотақдим.
10.00 Тонгги сериал: «Рамаяна».
10.35 «Давр» - интервью.
10.50 Таянч.
11.15 «Гвадалупе». Телесериал.
11.55 Ёшлар овози.
12.15 «Меҳр кўзда». Мақтубларга шарҳ.
12.45 Муסיкий лаҳзалар.
13.00 Давр.
13.10 ТВ - анонс.
13.15 Болалар учун мультсериал: «Ака-ука Гримм эртаклари».
13.40 Қўли гул уста.

14.00 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: 1 Нокаут, 2 Теннис.
15.00 Илдиз ва япроқ.
15.20 Қишлоқдаги тенгдошим.
15.40 Автопатрул.
16.00 «Орзулар камалаги». Бадийй фильм.
17.05 Кўрсатувлар дастури.
17.10 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар, Бахтли болалик.
17.45 Наво.
18.00 Ёшлар овози.
18.20 Чемпион сирлари.
18.40 Каталог.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ - анонс.
19.40 Очил дастурхон.
20.00 Спорт-лото.
20.10 Муסיкий лаҳзалар.
20.20 Мутлола. Ўзбек драматургияси.
20.40 ТВ - адвокат.
20.45, 21.30, 22.35 Эълонлар.
20.50 «Гвадалупе». Телесериал.

21.35 «Бунёдкор» ёшлар телекулиби.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 Ҳандалак плюс.
22.50 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Интерфутбол.
0.30-0.35 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканал

17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.10 Исҳоқ Ражабий. Видеофильм.
17.55 «Хориж хабарлари» (рус)
18.00, 20.45 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Муסיкий меҳмонхона».
18.30, 20.00, 21.40, 22.35 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Табриқлаймиз-қутлаймиз».
19.15 «Хориж хабарлари».
19.20 ТТВда сериал: «2000 йилдан сўнг».
20.20 «Аёл қалби».

20.55 «Ханда дўкони».
21.20 «Ҳимоя».
21.55 ТТВда сериал: «Лўлининг бахти».
22.55 Кинонигоҳ. «Фаришта».
00.40-00.45 Хайрли тун, шаҳрим!

«Халқаро» телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ. 7.00 - 8.30.
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.20 «Одри Хепберн тарихи».
18.05 «Мультсеанс».
18.30 «Евроњьюс» янгилликлари.
18.50 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
19.50 «Нина». Сериал (сўнги қисм)
21.00 «Время».
21.30 «Бизнес ревью».
21.35 «Соломея». Сериал.
22.25 «Муваффақият назарияси».
22.40 «Ахборот».

23.15 Кинематограф. «Виллада». Бадийй фильм.
1.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилгани.
9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор».
9.30, 14.10 Болалар соати.
10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар». Сериал.
10.40, 16.00 «30»да спорт.
11.10 «Сан-Тропе». Сериал.
12.00 «Ўлим қуроли». Фильм.
13.30 «У қотилликни баён этди». Телесериал.
15.00 Телешоу.
16.40 Хужжатли сериал.
18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Қўл жанги».
19.30 «Ошиқона». Муסיкий дастур.
19.45 «Турецкий марши». Сериал.
21.05 «Клип-совга». Телетабрикнома.
21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Шимолий денгиздаги босқинчилик».
23.15 Спорт дастури.

Payshanba

27

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 1. «Кўшигим - жон қўшигим». 2. «Кизиқарли учрашувлар».
3. «Уч оға-ини», «Туз ҳақида афсона». Мультфильмлар.

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилликлар.
10.05 «Ёр-ёр». Бадийй фильм.
11.10, 11.55 ТВ-анонс.
11.15 «Оламини асранг!».
11.35 «Кўнгил наволари».
12.05 «Оқ ва қора». Телешоу.
12.40 «Ҳаётимиз қомуси».
12.55 «Айни тушлик пайти...»
13.05 «Ошин». Сериал.

13.35 «Фарз ва қарз».
13.50 ТВ-клип.
14.10 «Дунё бўйлаб».
14.30 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Ишқ риштаси». Бадийй фильм.
16.00 «Рақслар жилоси».
16.20 «Алломиш изидан». Видеофильм.
16.40 1. «Сеҳрли ҳарфлар оролчаси». 2. «Цирк, цирк, цирк».
17.40 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.10 «Мувоzanат».
18.30 «Тиббиёт одимлари».

18.45 «Мулқдор».
19.00 «Бир жиноят изидан».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Оқшом эртаклари».
20.15 FCN «Ўзбекистон янгилликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Телемулоқот.
21.45 ТВ-клип.
21.55 «Парламент вақти».
22.15 «Ошин». Сериал.
22.45 Синхрон сузиш бўйича «Сув париси» халқаро турнири.

23.05 «Ахборот-дайд-жест».
23.25-23.30 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ - анонс.
9.20 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар, Бахтли болалик.
9.55 Тонгги сериал: «Рамаяна».
10.30 Тафаккур ёлқин-

лари.
10.45 Ёшлар овози.
11.05 ТВ - адвокат.
11.10 «Гвадалупе». Телесериал.
11.50 Чемпион сирлари (рус тилида)
12.05 Спорт китъаси (рус тилида)
12.30 «Ўзбектелефильм» студияси намойиш этади: «Ўзбек таомлари».
12.50 Муסיкий лаҳзалар.
13.00 Давр.
13.10 ТВ - анонс.
13.15 Болалар учун мультсериал: «Ака-ука Гримм эртаклари».

13.40 Интерфутбол.
15.20 Наво.
15.35 «Тўйлар муборак». Бадийй фильм.
16.40 Кўрсатувлар дастури.
16.45 «Янги авлод» студияси: Шоҳсупа, Томир.
17.25 Истиклол умидлари.
17.45 Ёшлар овози.
18.05 Сийрат.
18.25 Табобат оламида.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» - интервью.

19.50 «Coscom» хабарлари.
19.55 Болалар спорти: аҳвол қандай?
20.10 Мусиқий лаҳзалар.
20.20 Кутқарув «050».
20.35 ТВ - адвокат.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Бегейим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.

22.40 ТВ-анонс.
22.45Хандалак плюс.
22.50 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Интерфутбол.
0.30-0.35 Хайрли тун.
«Тошкент» телеканал
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Ит уяси».
17.45 Болажонлар экрани.
17.55 «Хориж хабарлари»

(рус)
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Навниҳол».
18.30, 20.00, 21.10, 22.05 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Табриқлаймиз-кутлаймиз».
19.15 «Хориж хабарлари».
19.20 ТТВда сериал: «2000 йилдан сўнг».
20.20 «Бурч ва масъулият».
20.50 «Эл хизматида».

21.25 ТТВда сериал: «Лўлининг бахти».
22.25 Кинонигоҳ.
«Муҳаббат кунлари».
24.00-00.05 Хайрли тун, шаҳрим!
«Халқаро» телеканал
БИРИНЧИ КАНАЛ. 7.00-8.30.
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.20 Мультфильмлар тўплами.

17.20 «Севимли кўшиқлар». Концерт.
18.30 «Евроњьюс» янгиликлари.
18.50 «Ишонч ва муҳаббат замани». Сериал.
19.50 «Фигуралли учаш юлдузлари».
21.00 «Время».
21.30 «Бизнес ревью».
21.35 «Соломея». Сериал.
22.25 «Ишбилармон кишилар».
22.45 «FCN Ўзбекистон

янгиликлари» (инглиз тилида)
22.55 «Ахборот».
23.30 «Шамолларда қолган ҳисларим». Фильм ҳақида.
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнжерс ёки кучли рейнжерлар» Сериал. 10.40, 16.00 «30-да спорт. 11.10

«Сан-Тропе». Сериал.
12.00 «Шимолли денгиздаги босқинчилик». Фильм. 13.30 «У қотилликни баён этди». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.40 Хужжатли сериал. 18.00 «30-канал» киноқшоми: «Кўл жанги-2». 19.30 «Ошиқона». Мусиқий дастур. 19.45 «Турецкий марши». Сериал. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» киноқшоми. «Мафиядан кўркмай». 23.15 Спорт дастури.

JUMA

28

«Ўзбекистон» телеканал
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ-маркет
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 1. «Сеҳрли ҳарфлар оролчаси». 2. «Цирк, цирк, цирк».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Мулкдор».
10.20 «Рикки - Тикки - Тави». Бадий фильм.
11.35 «Ўзлинг намоен қил». Экранда - Тошкент вилояти.
11.55 Мусиқий танаффус.
12.05 «Парламент вақти».
12.25 Синхрон сузиш бўйича «Сув париси» халқаро турнири.
12.45 «Меҳр қолур».
13.10 «Куйла, ёшлигим».
13.30 «Ошин». Сериал.
14.10 Телемулоқот.

14.55 «Стенли ва Айрис». Бадий фильм.
16.30 «Озод юрт одамлари».
16.45 1. «Болаликнинг мовий осмони». 2. «Уйла, Изла, Топ!».
Телемусобақа.
17.45 «Чорраха».
18.10 «Олтин мерос».
18.20 «Агар Сиз». Токшоу.
18.45 «Фан равнақи - Ватан равнақи».
19.05 «Этиқод мустаҳкамлиги йўлида».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Бир жуфт кўшиқ.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муносабат».
21.35 ТВ-клип.
21.40 «Чирой очган юрт».
22.05 «Қиш сонатаси». Сериал.
23.15 «Ахборот-дайд-жест».
23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал
6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ - анонс.
9.20 «Янги авлод» студияси: Шоҳсупа, Томир.
10.00 Тонги сериал: «Рамаяна».
10.35 «Давр»-интервью.
10.50 ТВ - анонс.
10.55 Бегейим.
11.15 ТВ - адвокат.
11.20 «Гвадалупе». Телесериал.
12.00 Ёшлар овози.
12.20 «Ўзбектелефильм» студияси намойиш этади: «Мусаввир».
12.35 Болалар спорти: аҳвол қандай?
12.50 «Шарқ тароналари» фестивали оҳанглари.
13.00 Давр.
13.10 ТВ - анонс.
13.15 Болалар учун мультсериал: «Ака-ука Гримм эртаклари».

13.40 Сийрат.
14.00 Интерфутбол.
15.40 Мусиқий лаҳзалар.
15.50 «Финист - сарлочин». Бадий фильм.
17.05 ТВ - анонс.
17.10 Кўрсатувлар дастури.
17.15 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима.
17.35 Саломат бўлинг.
17.50 Танишинг:
«Санам» журнали.
18.10 Адолат мезони.
18.30 Аскар мактублари.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» нигоҳи.
19.55 ТВ - анонс.
20.00 Мусиқий лаҳзалар.
20.10 Азизим.
20.35 ТВ - адвокат.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Кишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.

22.40 ТВ - анонс.
22.45 Хандалак плюс.
22.50 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: 1. Футбол плюс, 2. Ринг қироллари.
00.10-00.15 Хайрли тун.
«Тошкент» телеканал
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Ит уяси».
17.45 Болажонлар экрани.
17.55 «Хориж хабарлари» (рус)
18.00, 20.35 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Хайрли оқшом».
18.30, 20.00, 20.45, 22.20 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Табриқлаймиз-кутлаймиз».
19.15 «Хориж хабарлари».
19.20 ТТВда сериал: «2000 йилдан сўнг».
20.20 «Навбатчи қисм».
21.00 ТТВда сериал: «Лўлининг бахти».
21.40 «Дорихона эшитди». Бевосита

мулоқот.
22.40 Кинонигоҳ.
«Уйланишни ҳоҳламайман».
24.00-00.05 Хайрли тун, шаҳрим!
«Халқаро» телеканал
БИРИНЧИ КАНАЛ. 7.00-8.30.
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.20 «Бинафша».
16.45 «Ассалом, Франция!»
17.05 «Дунёнинг янги мўъжизалари».
17.30 «А. Пугачева иштирокидаги концерт дастури».
19.20 «Аралаш».
19.30 «Евроњьюс» янгиликлари.
19.50 «Мўъжизалар майдони».
21.00 «Время».
21.30 «Бизнес-ревью».
21.35 «Дурдаршан».
22.00 «Стиль».
22.15 «Спорт технологи-яси».
22.30. «Хит парад».
23.00 «Ахборот».
23.35 Кинематограф.

«Менинг катта юнонча тўйим». Бадий фильм.
1.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнжерс ёки кучли рейнжерлар» Сериал. 10.40 «Кикбоксинг империяси». 11.10 «Сан-Тропе». Сериал. 12.00 «Мафиядан кўркмай». Фильм. 13.30 «У қотилликни баён этди». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.00 «30» да спорт. 16.40 «Хужжатли сериал». 18.00 «30-канал»да ринг қироллари. 18.50 Юмор дастури. 19.30 «Ошиқона». Мусиқий дастур. 19.45 «Турецкий марши». Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телетабриқнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» киноқшоми. «Елкадошлар». 23.15 Спорт дастури.

Shanba

29

«Ўзбекистон» телеканал
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 Газеталар шарҳи.
9.00 1. «Болаликнинг мовий осмони». 2. «Уйла, Изла, Топ!».
10.00 «Муסיқа дунёси». Телеальманах.
10.20 «Этиқод мустаҳкамлиги йўлида».
10.40 «Бу турфа олам».
11.30 «Қобил ила Ҳобил». Қарши шаҳар «Эски Мачит» театр студиясининг спектакли.
13.20 «Изҳор».
13.35 «Қиш сонатаси». Сериал.
14.45 «Адабий жараён».
15.05 «Истеъдод».
15.25 «Ягона оилада».
15.55 «Муҳаббатнинг

мангу кўшиги». Бадий фильм.
17.15 Эстрада тароналари.
17.35 «Биз спортчилар оиласимиз, сафимизга кўшилигим».
17.55 «Саргузаштлар ороли». Телешоу.
18.25 «Рангин дунё».
18.45 «Интеллектуал ринг». Телеуйин.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қишлоқ ҳаёти».
21.25 «Келинг, бир кулишайлик».
21.45 «Қиш сонатаси». Сериал.
22.55 «КиноТеатр».
23.10 «Ахборот-дайд-жест».
23.30-23.35 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал
6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ - анонс.
9.20 «Янги авлод» студияси: Уй вази-фаси.
9.40 «Ғаройиб саёҳат». Мультфильм.
9.50 Табобат оламида.
10.15 «Бунёдкор» ёшлар телеклуби.
10.30 Саёҳатнома.
10.50 Ринг қироллари.
11.40 ТВ - адвокат.
11.45 «Гвадалупе». Телесериал.
12.25 Мусиқий лаҳзалар.
12.40 Мутолаа. Ўзбек драматургияси.
13.00 «Мурувват». Бадий фильм 2-қисм.
13.45 Буюк ипак йўлларида.
14.05 Кишлоқдаги тенгдошим.

14.25 Жаҳон муסיқа хазинасидан Жузеппе Верди «Трубадур» операси 1-қисм.
15.40 ТВ - анонс.
15.45 «Буюк ёпилиш». Мультфильм.
15.55 Жузеппе Верди «Трубадур» операси 2-қисм.
17.05 Кўрсатувлар дастури.
17.10 Бола тилидан.
17.40 «Ҳаёт мазмуни». Видеофильм.
18.10 «Ўзбектелефильм» студияси намойиш этади: «Оқшом ёддулари».
18.20 Саломатлик сирлари.
18.40 Каталог.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» репортаж.
19.45 ТВ - анонс.
19.50 Мусиқий лаҳзалар.
20.00 Кутилмаган меҳмон.
20.20, 21.10, 22.35 Эълонлар.
20.25 «Мурувват».

Бадий фильм 3-қисм.
21.15 «Оҳанрабо».
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 Хандалак плюс.
22.50 «Одиссей».
Бадий фильм 1-қисм.
0.00 - 0.05 Хайрли тун.
«Тошкент» телеканал
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Ит уяси».
17.45 «Мультчархпалак».
18.05, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Билим» телеклуби.
18.35 «Афиша».
18.55 «Мисли гавҳар».
19.10 «Табриқлаймиз-кутлаймиз».
19.40 «Жаҳон географияси».
20.10 «Нима учун?»
20.40 «ТВ плюс».
21.10 ТТВда сериал: «2000 йилдан сўнг».
22.00 Кинонигоҳ. «Нозик кўллар».
23.20-23.25 Хайрли тун,

шаҳрим!
«Халқаро» телеканал
9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 Мультфильм.
10.10 «Лаззат».
10.30 «Уйга қайтиш».
11.10 Болалар соати. Мультфильм.
12.10 CFI тақдим этади: «Илм-фан афсонаси».
13.00 «Экран зийнати ва киймати».
13.25-14.25 Дўстлик видеоканали: «Сахий хонадонда», «Умид», «Немис шарҳи».
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Билишни истайман».
16.50 «Мусиқий серпантин».
17.10 Премьера. Ж. Чан, Ж. К. Ван Дамм, Рутгер Хауэр. «Трюкчалар» экстремал шоусида.
18.00 «Янгиликлар».
18.20 «Йил кўшиқлари». Куз.

20.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеуйин.
21.00 «Время».
21.25 «Сўнги қаҳрамон».
22.30 «Олтин граммофон».
23.30 «Ахборот».
00.05 «Тунингиз осуда бўлсин».
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 «Телехамкор». 9.30 «Инспектор Гаджет». Мультсериал. 10.00 Болалар учун фильм. 11.30 «Маърифий дастур». 12.00 Оилавий кино. «Елкадошлар». 13.40 Шоу дастури. 14.30 Ҳинд киноси. 17.00 Телеуйин. 18.10 «30-канал» киноқшоми. «Амакивачча». 19.45 «Ошиқона». Мусиқий дастур. 20.00 «Спорт-экстрим». 20.30 «Клип-совга». Телетабриқнома. 21.05 «Фурурлик кодекси». Сериал. 22.00 «30-канал»да киноқшом. «Ёлланган қотил». 23.45 Мусиқий дастур.

Yakshanba

30

«Ўзбекистон» телеканал
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ-анонс.
8.45 «Камалак».
9.40 «Олтин бешик».
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20 «Бу турфа олам».
12.10 «Рақибингиз - грассмейстер».
12.25 «Маърифат». Телеальманах.
12.45 «Интеллектуал ринг».
13.25 «Қиш сонатаси». Сериал.
14.35 «Санъатга бахшида умр».
14.55 ТВ-анонс.
15.00 «Қорақалпоқнома».
15.20 «КиноТеатр».
15.35 «Ўзбекистон» телеканалда илк

маротаба: «Муҳаббатнинг мангу кўшиги». Бадий фильм.
16.55 ТВ-клип.
«Болалар сайёраси»:
17.00 1. «Ғаройибкентга саёҳат».
2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.00 «Иқтидор». Телешоу.
18.40 Телевизион миниатюралар театри.
19.05 ТВ-клип.
19.10 «Бизнес ҳафта».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар
19.30 «Тахлилнома» (рус тилида).
20.05 «Кўрсатувдан-кўрсатувгача».
20.30 «Тахлилнома».
21.15 «Кун мавзуси».
21.25 «Кўшигимиз Сизга армуғон».
21.40 «Яшиллик».
22.15 «Қиш сонатаси». Сериал.

«Ёшлар» телеканал
6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 ТВ - анонс.
9.05 «Давр»-репортаж.
9.15 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма, Келинг, танишайлик.
9.50 Қувноқ стартлар.
10.20 Очил дастурхон.
10.40 Чемпион сирлари.
11.00 ФИФА (футбол ичида, футбол атрофида).
11.40 «Ёшлар» телеканалда: ҳарбий - ватанпарварлик дастури 1. Марди майдон. 2.Аскар мактублари. 3.Кутқарув «050».
12.35 «Мурувват». Бадий фильм. 3-қисм.
13.20 Оҳанрабо.
14.00 Азизим.
14.25 «Заковат» саралаш ўйинлари.
15.10 «Алиса ғаройиботлар мамлакатид».

Мультфильм.
16.25 Ёшлар овози.
16.45 ТВ - анонс.
16.50 Кўрсатувлар дастури.
16.55 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус.
17.20 «Ялқов», «Асалари Мая». Мультфильмлар.
17.45 «Қаҳқаҳа» театр студияси намойиш этади.
18.15 Спорт ҳафтанома-си.
18.30 Оила тилсими. 1-қисм.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр» - news.
19.20 ТВ - анонс.
19.25 Сув - ҳаёт манбаи.
19.30 Оила тилсими. 2-қисм.
19.50 Мусиқий лаҳзалар.
20.05, 20.55, 22.30 Эълонлар.
20.10 «Мурувват». Бадий фильм 4-қисм.
21.00 «Қилни қирқ ёриб...» Интеллектуал ўйин.
21.50 Олтин мерос.

22.00 «Давр» ҳафта ичида.
22.35 ТВ - анонс.
22.45 Хандалак плюс.
22.50 «Одиссей».
Бадий фильм 2-қисм.
0.00 - 0.05 Хайрли тун.
«Тошкент» телеканал
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Ит уяси».
17.45 «Эртақларнинг сеҳрли олами».
19.25, 21.55 «Экспресс» телегазетаси.
19.35 «Табриқлаймиз-кутлаймиз».
20.05 «Жаҳон географияси».
20.35 «Шунақа гаплар». Ҳажвий кўрсатув.
20.55 «Озод ва обод юрт».
21.15 ТТВда сериал: «2000 йилдан сўнг».
22.05 Кинонигоҳ.
«Мерос бўлмиш истеъдод».
23.35-23.40 Хайрли тун, шаҳрим!

«Халқаро» телеканал
9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Инглиз тили курси».
9.15 «Соғлом овқатланиш сирлари».
9.25 «Бола бошидан».
9.40 «Дунёнинг янги мўъжизалари».
10.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
10.30 «Ҳамма уйдалигида».
11.00 «Уйғоқ кайфият». Информацион-дам олиш кўрсатуви.
12.30 «Тўққиздан бешгача». Бадий фильм.
14.10-15.30. Дўстлик видеоканали: «Рангикамон», «Дидар», «Айдинлар», «Чинсэн».
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Флорес Найтингейл» мультфильм.
18.30 «Дунёга назар».
19.00 «Аралаш».
19.30 «Қиш пайтида миллий ов хусусиятла-

ри». Кинокомедия.
21.00 «Тенгдошлар».
21.30 «Кинопрофи».
21.45 Роберт де Ниро «Ота-она билан танишув». Кинокомедия.
23.50 «Тахлилнома».
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин».
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 11.30, 17.40, 20.45 «Телехамкор». 9.30 «Инспектор Гаджет». Мультсериал. 10.00 Болалар учун фильм. 12.00 Оилавий кино. «Ёлланган қотил». 13.40 Шоу дастури. 14.30 Ҳинд киноси. 17.00 Телеуйин. 18.10 «30-канал» киноқшоми: «Алмашилш учун қотиллар». 19.45 «Ошиқона». Мусиқий дастур. 20.00 «Спорт-экстрим». 21.05 «Фурурлик кодекси». Сериал. 22.00 «30-канал»да яқшанба киноқшоми. «Кашанба Гинаоқшоми». 23.45 Спорт шарҳи.

Шифокор минбари

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг хабарига кўра, 2003-2004 йилларнинг қиш-баҳор ойларида грипп касаллигининг кўпайиш хавфи бор. Шў давр ичида аҳолининг касалликларга қаршилик кўрсатиш қобилияти сусайиши туфайли ушбу хасталик билан ер юзида миллионлаб одамларнинг касалланиш хавфи юзага келмоқда.

Касалликнинг келиб чиқиши, ривожланиши ва кечишига тўхталиб ўтадиган бўлса, гриппнинг кўзгатувчилари А, В, С турдаги вируслар бўлиб, улар клиник жиҳатдан ўхшаш кечади, лекин, ўзидан кейин қолдирадиган иммунитет ҳар бир тур учун алоҳидадир. Ушбу вируслар бемор одамнинг юқори нафас йўлларида жойлашиб, кўпаяди ва бемор гапирганда, аксирганда, йўталганда, ён-атрофга тарқалади. Гриппнинг илк аломатлари касаллик юққандан бир-икки кун кейин намоён бўлади. Беморнинг ҳарорати кескин кўтарилиши, қаттиқ бош оғриғи, дармонсизлик, бўғимларда оғриқ, кўздан ёш, бурундан сел келиши, овоз ўзгариши кузатилади. Агар бемор ётиб даволанаётган бўлса, уч-тўрт кундан сўнг тана ҳароратининг пасайиши кузатилади. Лекин, дармонсизлик ва бўғимлардаги оғриқ яна бир неча кун давом этади. Асоратсиз кечган грипп хасталигида беморнинг 6-7 кунда тўла соғайиши кузатилади. Агар бемор вақтида даволанмаса, илгари турли сурункали касалликларга чалинган бўлса, грипп жуда оғир асоратларга олиб келиши мумкин. Бунда, айниқса, юрак-қон-томир касалликлари бор беморларда ўлим ҳолатларининг кўпайиши кузатилади. Шунингдек, грипп ёш болалар ва кексаларда ҳам оғир шаклда кечади.

Касаллик асосан бемор одамдан атрофдагиларга юқишини

назарга олиб, грипп билан оғриган бемор, унинг кечишидан қатъи назар, уйга шифокор чақиртириши ва фақат ётиб даволаниши лозим. Бемор учун илжи борича алоҳида хона ажратилиши керак. Уни парвариш

ГРИППДАН САҚЛАНИШ

қилаётган одам тўрт қаватли доканиқобдан фойдаланиши, қўллари тез-тез совунлаб ювиб туриши лозим бўлади. Бемор шахсий орасталикка қатъий риоя қилиши керак. Бу вақтда унга кўп миқдорда суюқликлар: С витаминига бай лимонли, малинали чойлар, турли хил мева шарбатлари бериб туриш тавсия этилади.

Грипп вирусининг ташқи муҳитга ўта чидамсизлигини инобатга олиб, хонани тез-тез шамоллатиб туриш, тозалаш ишларини 0,5 фоизли хлорли оҳак эритмасидан фойдаланган ҳолда ўтказиш, хонада исирик тутатиб туриш, айниқса, фойдалидир.

Беморни парваришлайётган одам ўзини касалликдан ҳимоя қилиш учун ремантадин, дибазол, афлубин, оксалин суртмаси каби дори

воситаларидан фойдалангани маъқул.

Умуман, тананинг касалликка бўлган қаршилигини ошириш мақсадида поливитаминлар қабул қилиш, мавсумий ҳаво ванналарини олиш, очиқ ҳавода кўпроқ бўлиш, спорт билан шуғулланиш катта аҳамият касб этади.

Касалликнинг олдини олишда, айниқса, даволаш-профилактика муассасалари, мактаб, болалар боғчалари, ташкилот ва корхоналар, аҳоли истиқомат қиладиган уйларида санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш, бу ерларда иссиқлик тизимига эътиборни кучайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Аҳоли ўртасида гриппнинг олдини олишнинг энг самарали усуллардан бири — грипп вакцинаси билан эмлашдир. Бу муҳим тадбир грипп касаллигининг эпидемик тусда кўпайишидан уч-тўрт ҳафта олдин бошланиши лозим.

Касалликнинг юқумлилиги, у билан хасталанган беморларнинг маълум муддат мобайнида ишга яроқсизлиги, касаллик ўзидан турли хил асоратлар қолдириб, ногиронликка олиб келиши натижасида халқ ҳўжалигига катта зарар етказилади. Шунинг билан, йирик корхона ва ташкилот раҳбарларига гриппга қарши вакцина олиб, ишчи ва ходимларнинг эмланишини ташкил этишларини тавсия қиламиз. Бу хавфли касалликка қарши самарали курашда фақат тиббиёт ходимларининг эмас, балки бутун жамоатчиликнинг фаол иштирок этиши мақсадга мувофиқдир.

Насиба ТОИРОВА,
вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази эпидемиолог, олий тоифали шифокор.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, Судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг вилоят ҳудудий бўлими жиноят, фуқаролик ва ҳўжалик судларининг қарорларига асосан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига божхона қонун-қоидаларини бузиб, яъни контрабанда йўли билан мол-мулкни олиб киришда фойдаланилган автомобилотранспорт воситаларининг кимовши савдоси ўтказилиши ҳақида эълон қилади

1. «**Муравей**» мотоцикли, бошланғич баҳоси — **80.000 сўм**.
2. «**Нексия**» русумли автомашина, бошланғич баҳоси — **2.000.000 сўм**.
3. «**ВАЗ-21063**» русумли автомашина, бошланғич баҳоси — **500.000 сўм**.
4. «**ВАЗ-2107**» русумли автомашина, бошланғич баҳоси — **1.400.000 сўм**.
5. «**ВАЗ-21011**» русумли автомашина, бошланғич баҳоси — **300.000 сўм**.

Кимовши савдоси **2003 йил 29 ноябрь, 6, 13, 20, 27 декабрь кунлари соат 11.00 да** Судлар департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бўлимида Тошкент шаҳар, Яққасарой тумани, У. Носир кўчаси, 93-уй, учинчи қаватида ўтказилади.

Кимовши савдосида қатнашадиган корхоналар, фуқаролар бошланғич нархнинг 10 фоизи миқдорида тўлов тўлаб қатнашишлари мумкин.

Кимовши савдосида қатнашиш учун аризаларни қабул қилиш ва рўйхатдан ўтиш Тошкент тумани ЖИБ судининг биносида ҳор кўни соат 9.00 дан 18.00 га қадар давом этади.

Манзил: Тошкент тумани, К. Фафуров кўчаси, 10-уй, 1-қават, 5-хона.

Маълумот учун телефонлар: 152-73-43, 53-08-78, 8-296-53-718.

«ТОШВИЛОЯТАВТОТЕХНИЗМАТ»

ҳиссадорлик жамияти жамоаси

Ўзбекистон халқини, хусусан, вилоятимиз аҳлини

ва барча мўмин мусулмонларни муборак

Ийд ал-Фитр — Рамазон ҳайити муносабати билан самимий қутлайди!

Шу саодатли ойда тутган рўза ва ибодатларингизни Оллоҳ Таоло

ўз даргоҳида қабул қилсин.

Осмонимиз ҳамиша мусаффо, тинчлигимиз абадий,

меҳр-оқибатимиз боқий, ўзбегим автомобилларида

илгарилаётган йўлларимиз доимо равон ва бехатар бўлсин.



Ҳайитингиз муборак, азизлар!

XIII asr va dunyo

Mamlakatlar
Odamlar
Voqealar
G'aroyibotlar

Eng
so'nggi
xabarlar

ЖАН КРЕТЬЕННИНГ ИЗДОШИ

Канаданинг сиёсий ҳаётида муҳим ўзгариш юз берадиган кўринади. Мамлакатда ҳукмрон сиёсий ҳаракат ҳисобланган Канада либерал партиясида янги йўлбошчи пайдо бўлди.

Канада либерал партиясига анча йиллардан буён мамлакатнинг амалдаги бош вазири Жан Кретьен раҳбарлик қилиб келаётган эди. Ўтган ҳафта партия йиғилишида фаоллардан бири - бир пайтлар молия вазири лавозимида ишлаган Пол Мартин раис этиб сайланди. Олтмиш беш ёшни қоралаб қолган собиқ вазир тез кулларда бош вазир лавозимига ҳам сайланиши керак.

Бўлажак бош вазир янги ҳукумат ижтимоий соҳада қатор ислохотларни амалга оширишни режалаштираётганини маълум қилди. Жумладан, у ички қарзларни қисқартириш ва солиқларни камайтиришни ваъда қилди.



Тинч океани. Сув қудрати тоғларни кемиради.

Шарҳловчи минбари

БРОКЕРЛАР ҲИБСГА ОЛИНДИ

АҚШ Федерал қидирув бюроси (ФҚБ) ўтказган операция натижасида молия соҳасидаги йирик ноқонуний фаолиятга барҳам берилди. Чоршанба кuni мамлакат Адлия вазирлиги валюта биржаларида ишловчи қирқ етти нафар брокерга нисбатан жиноий иш қўзғади.

Айбланувчиларнинг барчаси нуфузли молия компаниялари ходимлари бўлиб, валюта бозорларида ноқонуний операцияларни амалга оширган. Улар ФҚБ томонидан АҚШнинг Нью-Йорк, Жерси-Сити ва Стамфорд шаҳарларида ўтказилган қатта операция натижасида ҳибсга олинди.

«Ёғоч танга» деб номланган мазкур операцияни ФҚБ бир неча ой давомида тайёрлади. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарларга қараганда, айбдорлар нуфузли молия компаниялари номидан иш юритиб, фибригарлик билан шугулланган. Бир қанча йирик банклар ва мингга яқин майда сармоядорлар улар найрангининг қурбони бўлган.

Адлия вазирлиги вакилларининг маълум қилишича, бир неча ойлик махфий тергов натижасида валюта бозорларида амалга оширилган юздан зиёд ноқонуний иш аниқланган. Бундай махфий операциялар натижасида брокерлар юз минг-

лаб доллар даромад курган.

Айбланаётганлар орасида «Ж.П.Морган», «Ю-Би-Эс», «Дрезднер Кляйнворт Бенсон», «Сосьете Женерал» ва «Израэл дискант бэнк» каби машҳур муассасалар ходимлари анчагина.

Маълумотларга қараганда, жаҳон валюта бозорининг кунлик айланмаси 1 триллион доллардан зиёдни ташкил этар экан. Мазкур бозорни доимий равишда бошқариб турувчи ягона марказий ташкилот ҳали тузилганича йўқ. Бозор бир-бирлари билан телефон ёки компьютер орқали мулоқот қилувчи савдо ходимлари тармоғидан иборат.

АҚШ Федерал заҳира тизими (марказий банк) маълумотларига қура, дунё валюта бозорларида амалга оширилаётган операцияларнинг олтмиш фоизга яқини асосий етакчи валюта айирбошлаш марказлари ҳисобланган АҚШ, Буюк Британия ва Япония ҳиссасига тўғри келади. Мазкур валюта бозорлари ҳукумат органлари томонидан мутлақо назорат қилинмас эди. Бу эса брокерларнинг ноқонуний ишлари жазосиз қолишига сабаб бўлди. 2001 йилда АҚШнинг йирик корпорацияларида коррупция ва молиявий жиноятлар натижасида юзага келган можаролардан сунгинга ҳуқуқ-тартибот органлари ушбу муаммога эътибор қаратди.

Нодирбек
ЎЛЖАБОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

ТУРКИЯ:

ЯНА ТЕРРОР ХУРУЖИ

Ўтган шанба кuni Туркиянинг Истанбул шаҳридаги синагогаларда йирик террорчилик ҳаракати уюштирилган эди. Ушбу фожиа ҳақидаги хабарлар жаҳон оммавий ахборот воситалари саҳифаларидан тушмай туриб, шаҳар яна террорчилар хуружини бошдан кечирди.

Пайшанба кuni Истанбул кўчаларида бир неча марта кучли портлаш уюштирилди. Маълумотларга қараганда, камидан 15 киши қурбон бўлган, юздан зиёд одам жароҳатланган.

Буюк Британия бош консулхонаси биноси ёнида икки марта кучли портлаш содир этилди. Хабарларга қараганда, бу ерга портловчи модда юкланган машина келтирилган экан. Бинонинг бир қисми бутунлай вайрон бўлди. Шаҳар марказида эса Буюк Британия консуллигининг тўрт нафар ходими бедарак йўқолган.

Яна икки портлаш Левент кўчасида уюштирилди. Бу ердаги йирик савдо марказида Буюк Британия банкларидан бирининг ваколатхонаси жойлашган эди.

Тўртинчи портлаш Истанбулдаги турар-жой даҳаларининг бирида содир этилди. Ҳозирча портлашлар учун жавобгарликни ҳеч ким ўз зиммасига олгани йўқ. Лекин шу аниқки, хуруж Буюк Британия ваколатхоналари ёнида содир этилган.

ЯПОНИЯ:

ЭСКИ ТАРКИБДАГИ ЯНГИ ҲУКУМАТ

Япония парламенти депутатлари мамлакат бош вазири Дзюнитиро Коидзумини қайтадан бош вазирликка сайлади. Унинг галабасини парламентда кўпчиликни ташкил этувчи Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар таъминлади.

Парламентдаги 479 нафар депутатдан 281 нафари Дзюнитиро Коидзуми учун овоз берди. Бош вазирнинг асосий рақиби Демократик партия етакчиси Наото Кана 186, Япония Коммунистик партияси раиси Кадзуо Сии эса атиги 9 овоз билан кифояланди.

Чоршанба кuni эрталаб Япония ҳукумати тўла таркибда истеъфога чиқди. Чунки, мамлакат конституциясининг 70-моддасига кўра, парламентга умумий сайлов бўлиб ўтгандан кейин чақирилган биринчи сессияда ҳукумат тўла таркибда истеъфога чиқиши керак.

Бирок бу оддий расмиятчиликдан бошқа нарса эмас. Чунки, парламентдаги сиёсий кучларнинг жойлашуви Дзюнитиро Коидзуми кабинети, нафақат ҳукуматни бошқариши, балки таркибда ўзгариш бўлмаслигига ҳам шубҳа туғдирмайди.

УЧАР ПОЕЗДЛАР



Японияда поезд тезлигини ошириш борасида рекорд ўрнатилди. Токионинг жануби-ғарбида жойлашган Яманаси префектураси трассаларидан бирида тажриба ўтказилганда, уч вагонли электр поездининг тезлиги соатига 560 километрга етди. Бу 1999 йил апрелда рўйхатга олин-

ган натижадан 8 километр кўп.

«Жей-Ар Токай» темир йўл компаниясининг маълум қилишича, поезд ҳайдовчисиз, назорат нуқтасидан компьютер орқали бошқарилган.

Катта тезликда «учган», юқори волтли магнит ёстиқчалари орқали ҳаракатланган поезд ердан 10 сантиметргача кўтарилди ва йўлнинг 18 километрини бешовқин атиги икки дақиқада босиб ўтди.

Мутахассисларнинг фикрича, кейинги тажрибада поезд тезлиги соатига 580 километргача оширилади.

Мазкур поезд бир неча кун аввал ҳам ўзига хос рекорд ўрнатганди. У кун давомида йўловчи ташиб, умумий ҳисобда 2876 километр йўл босди. Бу кўрсаткич энг сўнгги натижадан 300 километр кўп ҳамда 2001 йилда қайд этилган рекорддан икки баробар ортқидир.

ЯНГИ УСУЛ



Янги Зеландиялик олим Крис Андерсин олтин қазиб чиқаришнинг янги усулини ўйлаб топди. Бу усул «фитоминирлаштириш», дея номланди. Олимнинг айтишича, олтин борлиги гумон қилинган жойга ёш ниҳол экилади. У ўсиш жараёнида 10 кун давомида аммоний эритмани суюқлик билан сўғорилади. Аммоний олтинни эритиш хусусиятига эга бўлгани учун дарахнинг томиригача етиб боради. Ниҳол ердаги намликни ўзига олади. Суюқликнинг бари синдириб бўлинган, дарах кесилади ва ёқиб ташланади. Ҳосил бўлган кул ичидан олтин дончалари яққол кўриниб қолади. Бу усул янги Зеландияда қўлланилгандан сўнг, чет эл инвесторларини қизиқтириб қўйди.

АНТИҚА КАШФИЁТ



учун чанпоткичдан фойдаланиш йўлга қўйилмоқда...

Бунинг учун хавфсизлик хизмати ходимлари кийимларда кам миқдорда яширилган портловчи моддаларни ҳам сезадиган мосламалар билан таъминланади. Ҳозирча чанпоткичдан фойдаланиш муайян шахсларга нисбатан қўлланилади. Агар синовлар муваффақиятли ўтса, у амалга татбиқ этилади. Қўшимча текширув тўғрисидаги қарорни Австралия ҳукумати террорчиликка қарши умумий дастур доирасида қабул қилди.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

Ҳикматлар Чашмаси

«Илмга эътиборсизлик, но-донлик, арақхўрлик ва зино-корликнинг оммавий тус олоғи қиёмат аломатлари-дандир».

Ҳазрат Анас разияллоху анху: «Мен сизларга бир ҳадис ай-тиб берай. Мендан кейин буни сизга ҳеч ким айтиб бермай-дир. Расулуллох қуйидагилар қиёмат аломатларидир, деган-лар:

- илмнинг сусаймоғи;
- жаҳолатнинг кучаймоғи;
- зинонинг авж олоғи;
- хотинларнинг кўпаймоғи;
- эркакларнинг озаймоғи.

Ҳатто 50 нафар хотинга 1 на-фар эркакнинг бошчилик (эр-лик) қилмоғи».

Расулуллох саллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар:

«Кимки Лайлат ул-Қадр ке-часининг ҳақлигига ишониб, Ол-лоҳдан савоб умидида ибодат қилиб чиқса, қилган гуноҳлари-нинг ҳаммаси кечирилгусидир».

Расулуллох бундай деганлар:

«Ҳалол билан ҳаром бор нар-садир. Аммо иккаласини бир-биридан фарқлашда ноаниқлик-лар мавжуд. Одамларнинг кўпи уларни (ҳалол ва ҳаромни) фарқламаслар. Шунинг учун кимки шубҳали нарсалардан ўзини тийса, динини камчилик-лардан, обрўйини таънадан сақ-лагайдир. Кимки шубҳали нар-салардан ўзини тиймаса, у бир-овнинг экинзори чеккасида кўй боқадиган чўпон сингаридир. Унинг қўйларни экинзорга туши-риш эҳтимоли бордир. Огоҳ бўлингизким, ҳар бир подшоҳ-нинг ўз чегараси бордир. Ол-лоҳнинг ердаги чегараси ҳаром қилинган нарсалардир. Киши ба-данида бир парча эт бор, агар у соғ бўлса, барча аъзолари соғ-дир, агар у бузилса, барча аъзо-лар носоғдир. У қалбдир».

Муборак Рамазон ойи ҳам ниҳоясига етай деди. Бу ойда диёримиздаги икки мингга яқин масжидларда Тарових на-мозлари ўқилиб, хатми Қуръонлар қилинди. Оллох таоло их-лос ила тутган рўзаларимиз ва қилган барча хайрли амалла-римизни ўз даргоҳида қабул айласин.

Бутун Ислому олами яқин-лашиб келаётган Йиди Рамазон қувончлари билан тўлган. Юртимизда ҳам бу улуг байрам мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ нишонланиб, кенг тантана

берувчи мезон ҳамдир. Шунинг учун ҳам, кимки бирор халқнинг асл ахлоқий қудратини билмоқчи бўлса, унинг байрамларини кузатсин, дейдилар. Хайит кунлари халқнинг орзу-умидлари ва



Рамазон Озайири-нинг Муборак Бўлиши!

қилиб келин-моқда.

Бу байрам-нинг бошқа-ларидан ажралиб турадиган жиҳатлари ва ижтимоий-ахлоқий аҳамияти қон-қариндошлар ва биродар-ларнинг бу кунда дийдор кўришмоқлари, қалблардаги дўстлик ва қондошлик булоқ-ларининг қайта кўз очмоғи, кўнгиллар хушнуд бўлиб, кишилар ўртасида ўзаро муҳаббатнинг янгилиниши, қариндошлар орасида меҳр-оқибатнинг мустаҳкамлани-ши, барча кишиларда ўзаро самимий муносабатларнинг жонланишидир. Бу кунда олижаноб кишилар гина-кудуратга барҳам берадилар. Қалблари покланади, араз-лашганлар қайта ярашади-лар, ўртадаги биродарлик, вафо ва меҳр юксак поғона-ларга кўтарилади.

Хайитнинг яна бир муҳим жиҳати борки, у ҳам бўлса, кишиларни заиф ва бечора-ҳол биродарлари ҳақида эслашлари, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш-ларидир. Айнан шу мақсадга қаратилган Йид фитр сада-қаси шариятимизда йўлга қўйилган.

Йид байрами шу билан бирга жамиятнинг ахлоқий даражасини аниқ белгилаб

одатлари тўла намоён бўлади. Бу кунда ахлоқи юксак дара-жага кўтарилган бирлик, ўзаро ёрдам, меҳр-оқибат каби инсоний туйғулар барча-ни қамраб, ҳар бир қалб эзгулик, дўстлик ва муҳаббат тушунчалари билан тўлади.

Шундай экан, биз бу улуг айёмда мақбул ва юксак даражали амалларни, афро-фимиздаги биродарларимиз оғирини енгил қилишни унутмадикми, қўшнилари-миз ҳолидан хабар олдикми,

деган саволни ўзимизга бермоғимиз лозим. Бирор кимсанинг қалбига қувонч бахш этдикми, ўз фарзанд-ларимизни кучоқлаётганимиз-да етимларни унутмадикми, нозу неъматга тўла дастур-хонга қўл узатганимизда муҳтожларни эсладикми? Шу саволларга ўзимиздан тўла жавоб топа олсак ва бу бизни қониқтирса, демак, хайит амалларини тўла бажарган бўламиз.

Зеро, тангри таоло кало-

мида марҳамат қилади: «Берган ҳар бир эҳсонингиз ўзингиз учундир. Кимки эзгу иш айласа, ўзи учундир».

Оллох таоло Йиди Рама-зон ҳайитини муборак айлаб, барчаларимизга соғлик-саломатлик, юртимизга тинчлик, хотиржамлик ато айласин.

Муҳаммад Бобур

ЙЎЛДОШЕВ,

Дин ишлари бўйича қўмита бўлим бошлиғи.

ЁРИШГАН ЙЎЛ СЎРАЙМАН

*Кувончимнинг қатида кўқарган гул истарам,
Армонимнинг ортидан йиғлаган дил истарам.
Диллар ичра бир кимса юрмаган йўл истарам,
Кўзни юмсам кўз очган дил сўрайман, Оллоҳим,
Юрган сари ёришган йўл сўрайман, Оллоҳим.*

*Сен деб йўлга чиққанни йўлга ташлаб кетмайсан,
Яхшиларни янтоқдек чўлга ташлаб кетмайсан,
Сажданга сарғайганга оби зам-зам тутгайсан,
Кўнгил берсанг кўкига тоғ бергайсан, Оллоҳим,
Жисм берсанг жонини соғ бергайсан, Оллоҳим.*

*Бу дунёнинг бағрида қадам етмас жойлар кўп,
Умр бўйи оҳ урсам нолам етмас жойлар кўп,
Ўз доғидан ўзлари ор қилувчи ойлор кўп,
Офтобинг алақанга нур бергайсан, Оллоҳим,
Қалб тубига кул бўлмас қўр бергайсан, Оллоҳим!*

*Бу дунёни бозор деб келувчи ҳам кўп экан,
Бу дунёни мазор деб ўлгувчи ҳам кўп экан,
Ла илаҳа иллоллох, дея олса хўб экан,
Беҳишти муборакдан гул тиландим, Оллоҳим,
Қабримга ҳам бир чимдим нур тиландим, Оллоҳим!*

Маҳмуд ТОИРОВ.

ЎЗБЕК КУРАШИ — ОКЕАНИЯДА

Янги Зеландиянинг Окленд шаҳрида эркаклар ўртасида кураш бўйича биринчи Океания чемпионати ўтказилди.

Унда ўн давлатдан полвонлар ишти-рок этди. Турнирда Янги Зеландия спортчилари билан бирга, Австралия, Фижи, Таити, Папуа-Янги Гвинея, Самоа, Тонго каби мамлакатдан ҳам вакиллар



голиблик учун гиламга чикди.

Халқаро "Кураш" Ассоциацияси мат-буот марказидан маълум қилишларича, Янги Зеландия, Фижи, Таити, Тонго ва

Самоа полвонлари чемпионат голибли бўлди.

66, 81 килограмм ва ундан оғир вазн тоифасидаги эркаклар ўртасида ўтказил-ган мусобақаларда Янги Зеландия кураш-чиларига тенг келадигани топилмади. Улар уч олтин, биттадан кумуш ва брон-за медални қўлга киритди. Жамоалар ўртасида ўтказилган баҳсларда фижи-лик полвонлар устун келди. Учинчи ўрин эса таитиликларга насиб этди.

Чемпионат доирасида жамоалар ўртасида Океания биринчилиги ҳам бўлиб ўтди. Мазкур мусобақаларда Фижи ороли полвонлари йирик галаба-ларга эришди. Финалда икки маротаба голибликни қўлга киритган П.Рагечи, Т.Теремон ва Н.Керевада турнирнинг ёрқин юлдузи ҳисобланган янги зеландиялик пол-вонлардан анча устун келди.

Ў.А.

Синхрон сузиш

"СУВ ПАРИЛАРИ" ТОШКЕНТДА!

Пойтахтимиздаги энг муҳташам спорт мажмуаларидан бири — "Ўзбекистон" клуби сув спорти саройида синхрон сузиш бўйича "Сув париси" IV халқаро турнирининг тантанали очилиш маросими бўлди.



Республикаси Бош вазирынинг ўринбо-сари Дилбар Фуломова. — Синхрон су-зиш спортнинг энг нафис турларидан биридир. Мамлакатимизда бу спорт тури

жадал оммавийлашмоқда. Ҳар йили "Сув париси" халқаро турнирини ўтказиш ҳам анъанага айланган.

Тўртинчи маротаба ўтказилаётган ушбу мусобақага 1998 йили асос со-линган. "Сув париси" турнирида ҳамюртларимиздан ташқари Қозоғистон, Россия, Хитойдан келган мохир спорт-чилар голиблик учун куч синашмоқда.

Мусобақа голиблари 22 ноябрь куни аниқланади.

Ў.А.

«Тошкент ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 29 ноябрь куни чиқади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар:
133-70-10, 136-53-54.

Манзилими:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат
матбуот қўмитасида 8 рақам
билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририяти компьютер
марказида тарийди ва
саҳифаланди.

● Эълон ва билдирув-лардаги факт ҳамда далил-ларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берув-чилар масъулдир.